ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЖУМАНАЗАРОВ ХУРШИД СИРОЖИДДИНОВИЧ

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ХАЛҚ ТАБОБАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАЛАРИ

(тарихий-этнологик тадқиқот)

07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УЎК 615,89:39 (575,1)(043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Жуманазаров Хуршид Сирожиддинович
Ўзбекларнинг халқ табобати билан боғлиқ анъаналари
(тарихий-этнологик тадқиқот) ….....3

Жуманазаров Хуршид Сирожиддинович
Традиции связанные с узбекской народной медициной
(историко-этнологическое исследование) ……..……..…….23

Jumanazarov Khurshid Sirojiddinovich
Uzbek traditions connected with folk medicine
(historical-ethnological research)……45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications .....…….....……..…….....……49

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЖУМАНАЗАРОВ ХУРШИД СИРОЖИДДИНОВИЧ

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ХАЛҚ ТАБОБАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАЛАРИ

(тарихий-этнологик тадқиқот)

07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tar.152 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Аширов Адҳамжон Азимбаевич** тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Дониёров Алишер Худойбердиевич** тарих фанлари доктори, профессор
	Қурбонова Манзила Боқиевна тарих фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc. 06.01.2018. Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил **29 июн** куни соат **10.00** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz. Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил **14 июн** куни тарқатилди.
(2018 йил **14 июн**даги **8** рақамли реестр баённомаси билан рўйхатга олинди)

А.С. Сагдуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М.Х. Пайзиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

С.С. Агзамходжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ўзига хос тиббий мактаблари ва йўналишларига эга бўлган давлатларда замонавий тиббиёт билан бирга халқ табобати ҳам ҳуқуқий мақоми ҳамда қонуний асосига эгадир. Табобат илмидан кўзланган мақсад, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жамиятнинг барча қатламларига тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш ва тиббиётнинг амалиёт билан узвийлиги ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан халқ табобати анъаналарини тиклаш ва оммавий тарғиб қилиш мақсадида дастур ва амалий лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жумладан, 2008 йил Пекин Декларацияси[1], 2002–2005 ва 2014–2023 йилларга доир ривожланиш стратегияси[2] қабул қилинган. Қолаверса, халқ табобати ютуқлари асосида арзон, безарар тиббий хизматни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида муқобил даволаш мезонларини яратиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳозирда халқ табобати билан боғлиқ анъаналарни турли этнослар мисолида ўрганиш, амалиётга жорий этиш ва оммавий тарғиб қилишга бағишланган тиббий, этнографик, социологик тадқиқотларни бажарилиши нафақат илмий балки амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқ ҳаётида янги ривожланиш босқичи юзага келди. Халқнинг тиббий саводхонлигини ошириш, жамият саломатлигини асрашни тизимли йўлга қўйиш ижтимоий ҳимоя сиёсатининг муҳим бўғинини ташкил қилади. Сўнгги йилларда аҳолини арзон, сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш давлат миқёсидаги асосий вазифага айланди. Муаммонинг ечимида халқ табобатининг табиий, зарарсиз воситалари, хавфсиз даво усуллари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мавзунинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[3] ва “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги[4] қарорлари ҳамда “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”[5]нинг 4.2-бандида келтирилган ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлашни такомиллаштириш тамойилларида акс этган.

---

[1]Пекинская декларация / http://www.who.int/foodsafety/fs_management/Beijing.decl.ru. 8.11.2008.

[2]Стратегия ВОЗ в области народной медицины 2002–2005 гг. – Женева: Penata Kerr Design, 2001; Стратегия ВОЗ в области народной медицины 2014–2023 гг. – Женева: Penata Kerr Design, 2013.

[3]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3489 сонли Қарори / www.lex.uz.

[4]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14-февралдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3532 сонли Қарори / www.lex.uz.

[5]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-иловасида келтирилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. / strategy.regulation.gov.uz.

Халқ маданиятининг ўзига хос жиҳатидан бири саломатлик билан боғлиқ эмпирик билимлар мажмуаси бўлган табобат анъаналаридир. Табобат анъаналари одамларнинг хўжалиги, табиий географик муҳитга мослашиши ва кундалик турмуш тарзи натижасида орттирган тажрибалари асосида шаклланган. Табобат анъаналарини илмий тадқиқ этиш халқнинг моддий ва номоддий маданий бойликлари ва эмпирик билимлари ҳақидаги қарашларни ўрганишга замин яратади. Халқ табобати усуллари, кўникмалари инсоният ривожининг дастлабки босқичида пайдо бўлиб, тараққий этиб борган. Шу боис, табобатни халқнинг маданий бойлиги сифатида ўрганиш этнос тарихи, анъаналарининг минтақавий хусусиятлари, этнослараро иқтисодий ва маданий интеграция жараёнларини тадқиқ қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 январдаги "Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги[6] Фармони, 2011 йил 23 майдаги "Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги[7], 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги[8], 2018 йил 27 январдаги "Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги[9] Қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-маърифий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш" дастури устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотнинг тарихшунослик қисми тўрт гуруҳга бўлинди: XIX аср охири – XX асрнинг I чорагига оид адабиётлар; совет даври адабиётлари; мустақиллик даври адабиётлари; хорижий тадқиқот ишларидан иборат.

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагида маҳаллий ва хорижий олимлар, шифокорлар, сайёҳлар, зобитлар томонидан табобат анъаналари ўлка халқларининг турмуш тарзи, хўжалик турлари ва ўлкага хос анъана, урф-одатлари мисолида ўрганилди. Илк кузатув натижалари матбуот саҳифаларида ўлка халқлар ҳаётига бағишланган чиқишларда акс этди[10]. Унда мистик ва

---

[6]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 январдаги "Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони / www.lex.uz.

[7]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 майдаги "Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 47-сонли Қарори / www.lex.uz.

[8]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–2647сонли Қарори / www.lex.uz.

[9]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги "Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 63-сонли Қарори / www.lex.uz.

[10]Лыкошин Н. Сартарашъ (туземный брадобрей и цирюльникъ) // Туркестанские ведомости (ТВ). – 1903. – № 75; Рык Б. Бухарские хирурги // ТВ. – 1903. – № 53; Диваев А. Баксы // ТВ. – 1908. – № 160; М. Г. Сартовская медицина // ТВ. – 1912. –№ 208; Ҳожи Муин. Тибб ва ҳифзус-сиҳҳатда риоятсизлигимиз // Ойна. – 1914. – № 3.

эмпирик табобатнинг локал хусусиятлари, ўлканинг ўзига хос наботот ва ҳайвонот олами, маҳаллий касаллик турлари ва даволаш йўллари, табибларнинг жамиятда тутган ўрни, касбий анжомлари ва ўқитиш жараёнларига эътибор қаратилган[11]. Ўлкада фаолият юритган аксарият рус шифокорлари (В. Кушелевский, Г. Колосова, А. Шишов) халқ табобатини замонавий тиббиёт билан ўзаро солиштириб, бу ерда табобат қолоқ аҳволда эканлигини қайд этишган. Сабаб сифатида билимсиз табибларнинг фаолияти билан бирга аҳолининг ўзи ҳам малакали табибга бормай, кўр-кўрона даволанишга ўч эканлигини келтирган. Бу даврда яратилган асарлар гарчи мавзуни тўла қамраб олмаган бўлсада, ўзбекларнинг табобат анъаналарига доир илк қарашлар эди. Лекин, аксарият материаллар тавсифий характерга эга бўлиб, мавзу тор доирада тадқиқ этилган.

1926 йилда ҳукумат томонидан табиблик фаолиятининг таъқиқланиши натижасида халқ табобатини ўрганиш бироз кейинроқ, XX асрнинг 50-йилларидан бошланди. Бу давргача дин, табиблик ва замонавий тиббиёт ўзаро қарама-қарши нисбатда талқин қилинган[12]. 50-йиллардан сўнг эътибор табобат ва табиблик касби тарихига қаратилган бўлса-да, табобат анъаналарининг минтақавий хусусиятлари, бой ўтмиши-ю, ўша даврдаги ачинарли аҳволи айрим тадқиқотчилар нигоҳидан четда қолмаган[13]. 1975 йилда собиқ Иттифоқ миқёсида[14] табобат анъаналарини этнографик тадқиқ қилишга бағишланган

– Б. 14–15; Амитин-Шапиро З. О народной медицине туземных (“бухарских”) евреев Туркестана // Бюллетень САГУ. Вып. XIII. – Ташкент, 1926. – С. 1–17.

[11]Краузе И. Заметки о медицинских и некоторых промышленных растениях в Средней Азии // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. Вып. II. – М., 1872. – С. 262–273; Липский В. Флора Средней Азии, Русского Туркестана и ханств Бухары и Хивы. Ч. I. – Спб.: Типо-лит. 1902; Монтеверде Н., Гаммерман А. Туркестанская коллекция лекарственных продуктов Музея Главного Ботанического Сада // Изв. Главн. ботан. сада. Т. 26. Вып. IV. – Л., 1927. – С. 291–358; Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т. 1. – Новый Маргелан: Тип. Фер. Обл.Правления, 1891. – С. 236–279; Остроумов Н. Сарты. Этнографические материалы. – Ташкент: Изд. Ф. и Г. Бр. Каминские, 1896; Гейеръ И. Путеводитель по Туркестану. – Ташкент: Типо-литография В. Ильина, 1901. – С. 241–242; Колосова Г. О народном врачевании сартов и киргизов Туркестана. – Спб.: Военная типография, 1903; Шишов А. Сарты. Этнографическое и антропологическое исследование. Ч. I. // Сборник материалов для статистики Сыръ-Дарьинской области. Т. 9. – Ташкент: 1904. – С. 1–492; Логофетъ Д. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 2. – Спб.: Издат. В. Березовский, 1911. – С. 133–155.

[12]Фозилов И. Медицина табибчиликка қарши курашда. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1963; Каримов В. Медицина динга қарши курашда. – Тошкент: Медицина, 1965; Азизхўжаев О., Ҳидоятов Ғ. Медицина ва диний хурофотлар. – Тошкент: Медицина, 1975; Назаров Х., Темиров Ф. Медицина ва диний хурофотлар. – Тошкент: Медицина, 1981.

[13]Сейфульмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. – 1928. – № 9–10. – С. 63–71; Абдуллаев А. Народная медицина Хорезма // Советское здравохранение (СЗ). – 1977. – № 5. – С. 82–84; Мухаммеджонов А., Семенов Г. Химическая лаборатория VIII века в Пайкенде // Общественные науки в Узбекистане. – 1984. – № 3. – С. 35–39; Муҳаммаджонов А. Пойканд топилмаси // Совет Ўзбекистони. – 1984 йил 16 декабр; Салоев М. Халқ табобати // Фан ва турмуш. – 1990. – № 11. – Б. 11–13; Ўша муаллиф. “Шарқ” шифоси // Фан ва турмуш. – 1990. – № 12. – Б. 10–11; Ўша муаллиф. Урф-одат ва саломатлик // Фан ва турмуш. – 1991. – № 3. – Б. 12–14; Фолькин И. Халқ табобати ва давр // Ёш ленинчи. – 1990 йил 5 январ; Виноградов А. Список лекарственных растений, применяемых в народной медицине Средней Азии // ТТГМИ. Т. 4. – Ашхабад, 1950. – С. 238; Халматов Х. Дикорастущие лекарственные растения Ургутского района Самаркандской области // Медицинский журнал Узбекистана (МЖУ). – 1957. – № 5. – С. 66–68; Кадыров А. Об узбекской народной медицине // Сборник научных трудов Министерства здравоохранения Уз ССР ТГМИ. Т. 20. – 1961. – С. 15–22; Ваҳобова Б. Ўрта Осиё медицинасига доир. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК бирлашган нашриёти, 1968; Холматов М., Собиров Р. Абулғозий ишлатган доривор ўсимликлар. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК бирлашган нашриёти, 1970.

[14]Пестряков А. Всесоюзная конференция по этнографическим аспектам изучения народной медицины // Советская этнография (СЭ). – 1975. – № 6. – С. 156.

илмий анжуман ўтказилсада, ўлка халқлари табобатига оид ташхис қўйиш, даволаш каби касбий анъаналар комплекс ўрганилмаган.

Мустақиллик йилларидаги изланишларда халқ табобатини қайта тиклаш, ўтмишда фаолият юритган табибларнинг тиббий меросни амалиётга жорий этиш, ҳакимлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари кўтарилди[15]. 1996 йилда Халқ табобати академиясининг очилиши, Президентнинг 1999 йилда "Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши ва 2017 йилда "Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғулланувчилар Академияси"нинг ташкил қилиниши ҳам табобат анъаналарини ўрганиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мавзу тарихшунослигида хорижий тадқиқотлар ҳам муҳим ўринга эга. Халқ табобатини этнологик аспектда ўрганиш, методологик таҳлилнинг ўзига хос томонлари ҳақида Ҳ. Шеҳан, С. Хусаин, Ю. Бромлей, Г. Архангельский, З. Минибаева, А. Порозова ва бошқалар изланиш олиб борганлар[16]. Шунингдек, В. Огудин, Б. Нанзатов, М. Содномпилова, С. Эйсенман, Н. Мамедов, С. Ҳоҳман каби муаллифлар халқ табобатини жамиятда тутган ўрни, ривожланиши, тиббий доришунослик масалаларида тадқиқот олиб боришган[17].

Мавзунинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбекларнинг табобат анъаналарига бағишланган изланишлар тиббиёт, ўсимликшунослик, фольклошунослик, тарихшунослик соҳалари доирасида ўрганилган бўлиб, бу анъаналар этнологик жиҳатдан комплекс тадқиқ этилмаган.

---

[15]Холматов Ҳ., Собиров Р. Халқ табобати хазиналарини ўрганишга доир // Кимё ва фармация. – 1993. – № 3. – Б. 3; Тойжонов К. Табобат гулдастасининг ифорлари // Тошкент оқшоми. – 1994 йил 28 декабр; Ғойибов М. ва бошқалар. Хива табобати. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1995; Ҳасаний М. Бухорода табобат фани ривожи тарихидан // Шарқшунослик. – 1997. – № 8. – Б. 6–11; Ражабова С. Унутилган табиб // Фан ва турмуш. – 1997. – № 1. – Б. 32; Мўминова Г. Халқ табобати тарихидан // Сиҳат-саломатлик. – 1999. – № 1. – Б. 19; Каримова С. Ўрта асрларда Шарқда кимё ва доришуносликнинг тараққий этишида Мовараннаҳр ва Хуросон олимларининг тутган ўрни.: Тарих фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2001; Ўролов А. Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар. – Тошкент: Фан, 1990; Ўша муаллиф. Ванна муолажаси Европадан олинганми? // Moziydan sado. – 2002. – № 2. – Б. 38–39; Хонназаров Р. Халқ табобатининг ҳуқуқий асосларини яратиш – давр талаби // Шарқ табобати. – 2015. – № 4. – Б. 3–4; Жўраев А. Халқ табобати. – Тошкент: Шарқ, 2008; Абдужаббор Муҳаммад Собир ўғли. Асрлар ошган табобат. – Тошкент: Davr-press, 2007; Ўлжабоева Н. Халқ табобати хазинасидан жавоҳирлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Тиб ва дам. 18-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2010.

[16]Sheehan H., Hussain S. Unani Tibb: history, theory and contemporary practice in South Asia // The Annals of the American academy of political and social science. – 2002. – № 583. – P. 122–135; Бромлей Ю., Воронов А. Народная медицина как предмет этнографических исследований // СЭ. – 1976. – № 5. – С. 3–17; Архангельский Г. Историко-медицинский аспект изучения народной медицины // СЗ. – 1985. – № 12. – С. 57–61; Минибаева З. Народная медицина башкир Курганской области (конец XIX – начало XXI в.).: Дисс. … канд. истор. наук. – Уфа. 2011; Порозова А. Традиционная народная медицина Симбирско-Ульяновского Поволжья.: Дисс. … канд. истор. наук. – Ульяновск. 2008.

[17]Огудин В. Атторы – аптекари народной медицины Мусульманского Востока // ЭО. – 2001. – № 2. – С. 112–130; Нанзатов Б., Содномпилова М. Лекарственные средства в торгово-обменных операциях между Россией, Монголией и Китаем в XVII–XIX вв. // Вестник Бурятского научного центра Сибирского отделения РАН. – Улан-Удэ, 2014. – № 4. – С. 93; Eisenman S. and other. Medicinal plants of Central Asia: Uzbekistan and Kyrgyzstan. – New York: Springer, 2013; Mamedov N. and other. Medicinal plants used in Russia and Central Asia for the treatment of selected skin conditions // Journal of herbs, spices and medicinal plants. – 2004. – № 11. – P. 191–222; Hohmann S. Les «medecins-tabib», une nouvelle categorie d'acteurs the rapeutiques en Ouzbekistan post-sovietique? // Autrepart. – 2007. – № 2. – P. 73–74; Ўша муаллиф. Ouzbekistan. Instrumentalisation politique de la medecine traditionnelle // Le Courrier des pays de l'Est. – 2008. – № 3. – P. 24–27; Ўша муаллиф. La medecine moderne au Turkestan russe: un outil au service de la politique coloniale // Cahiers d'Asie central. – 2009. – № 17–18. – P. 319–351.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ЎзР ФА Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ва Ф1-ХТ-01-17138 – “Ўзбекистоннинг замонавий қишлоғи: ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва трансформацияларнинг этносоциологик таҳлили“ (2012–2014) ва ФА-А1-ГО25 – “Замонавий ўзбеклар: тарихий-этнологик тадқиқот” (2015–2017) амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқ табобатининг замонавий жамият ҳаётида тутган ўрни ва ўзбекларнинг табобат билан боғлиқ қарашларини тарихий-этнологик материаллар асосида аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқ табобати анъаналарининг тарихи, эволюцияси, трансформациясига оид қарашлар ва ўзбек халқи дунёқараши тизимида табиблик касби билан боғлиқ анъаналарни тарихий ва этнографик материаллар асосида тадқиқ этиш;

табиблар касбий фаолиятига кўра *синиқчи, жарроҳ, доригар (аттор), илгир, каҳҳол* тарзида таснифланиши ва даволаш жараёнида *тахтакач, қортиқ, наштар, ҳовонча, тиббий тандир, алембика* каби атрибутлардан фойдаланишини таҳлил қилиш;

аҳолининг географик жойлашуви, яшаш тарзи, машғулот тури, диний қарашлари, ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот оламини халқ табобатининг минтақавий хусусиятларига бўлган таъсирини аниқлаштириш;

анъанавий табобатда табиблик касбини танлашга сабаб бўлувчи омиллар ва устоз-шогирдлик тизими, шогирдлик муддати, устозлик шартлари, шогирд танлаб олишдаги меъёрлар ҳамда бугунги кунда бўлажак шогирд учун тиббий ўрта-махсус билим, ахборот-коммуникация соҳаларидан хабардор бўлиш каби замонавий талабларнинг юзага келиш сабабларини кўрсатиб бериш;

халқ табобатининг таркибий қисми бўлган касалликка ташхис қўйиш, даволаш ва доришунослик анъаналарини вужудга келиши, табобат ҳамда замонавий тиббиётнинг интеграциясини синиқчи, жарроҳ, доя, каҳҳол каби табиблик соҳалари доирасида, иш қуролларидаги ўзгаришлар мисолида асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти этиб ўзбек халқининг тиббий қарашлари, табобатнинг минтақавий хусусиятлари, табибларнинг замонавий турмуш тарзи этнографияси белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини замонавий ўзбеклар ҳаётида табобатнинг ташхис қўйиш, даволаш, дори тайёрлаш ва табиблар фаолиятини этнологик таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ва тизимли-функционал таҳлил, статистик-қиёсий солиштириш, тарихий-маданий таҳлил, географик детерменизм, фанлараро ёндашув, анализ, синтез ҳамда этносоциологик (кузатиш, анкета, социологик сўровнома, интервью) усуллардан фойдаланилди. Анкета-сўровнома 2014 – 2017 йиллар мобайнида Фарғона водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё, Самарқанд ҳамда Бухоро вилоятларида ташкил қилиниб, тоғли ҳудудларда 150 та, текислик минтақасида 300 та – жами 450 та ахборотчи орасида ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ табобати жисмоний ва руҳий саломатлик билан боғлиқ эмпирик билимларга асосланган ижтимоий институт эканлиги этнографик материаллар ёрдамида исботланган;

табиблар касбий фаолиятига кўра *синиқчи, жарроҳ, доригар (аттор), илгир, каҳҳол* тарзида таснифланиши ва даволаш жараёнида *тахтакач, қортиқ, наштар, ҳовонча, тиббий тандир, алембика* каби атрибутлардан фойдаланиши далилланган;

халқ табобатидаги маҳаллий мактаблар (*Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси ва Жанубий Ўзбекистон*) аҳолининг географик ўрни, хўжалик машғулоти (*деҳқончилик ва чорвачилик*), этнослараро алоқалар контекстида ривожланган ва табибларнинг ижтимоий мақоми даволаш жараёнида анъанавий усуллар билан бирга замонавий тиббий-техника жиҳозларидан фойдаланишга кўра фарқланиши аниқланган;

халқ табобатининг ҳуқуқий асосини яратилиши кундалик ҳаётда тиббий анъаналарни қайта тикланиши, сохта табибларнинг фаолиятига чек қўйилиши ва жамиятда халқ табобатига нисбатан ишончнинг ортишига асос бўлиши кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекларнинг табобат анъаналари Марказий Осиё халқларининг табобат анъаналаридан тузилиши, жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқий мақоми жиҳатидан фарқланиши далилланган;

халқ табобати асрлар давомида юз берган этник алоқалар (савдо, қўшничилик, қавм-қариндошлик муносабатлари) натижасида ранг-баранглик касб этиб, икки гуруҳга: мистик ва эмпирик табобатга бўлиниши кўрсатиб берилган;

XIX аср охири – XX аср бошларида замонавий тиббиётнинг кириб келиши билан халқ табобати ва замонавий тиббиёт ўзаро синкретлашиб боргани (масалан, касбий атрибутлар, даволаш методлари) ҳамда 1926 йилда халқ табобатини тақиқланиши ушбу анъаналарнинг таназзулига сабаб бўлгани очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда замонавий этнология фанида тан олинган ёндашув ва усулларни қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-этнографик адабиётлардан фойдаланилганлиги, бирламчи этнографик манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан ўзбекларнинг табобат анъаналари билан боғлиқ қарашларининг тарихий асосларини тадқиқ этишда ва халқ табобатига оид назарий тадқиқотларни бажаришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот жараёнида қўлга киритилган илмий янгиликлар Шарқ халқларининг табобат анъаналарини ўзаро таққослаб ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий хулосаларидан Республикада табиблар фаолиятини мувофиқлаштириш, малакасини ошириш, Халқ табобати академияси, Ибн Сино

жамоат фондида махсус курс, семинар, тадбирлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекларнинг халқ табобати анъаналари юзасидан ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида:

ўзбек халқининг табобат анъаналари тарихи ва уларнинг минтақавий хусусиятларининг юзага келишига сабаб бўлган этник омиллар, табиблар томонидан ўтказилган маросимларнинг кўринишлари ва ҳакимларнинг касбий маданиятига оид маълумотлардан Тарих институтида 2012–2014 йилларда бажарилган Ф1-ХТ-01-17138 – "Ўзбекларнинг замонавий қишлоғи: ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва трансформацияларнинг этносоциологик таҳлили" номли амалий тадқиқот лойиҳасининг "Миндон халқ табобати" номли параграфини ёзишда фойдаланилди (ЎзР ФАнинг 2018 йил 18 апрелдаги 3/1255-992-сонли маълумотномаси). Ушбу нашр халқ табобатининг замонавий ўзбеклар ҳаётида тутган ўрни, табобат анъаналарининг маҳаллий кўринишларини илмий асосда ўрганиш ва табибларнинг жамиятдаги вазифасини таҳлил этишда методологик асос бўлиб хизмат қилган;

халқ табобати анъаналарининг мистик ва эмпирик турлари, табиблар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда замонавий ўзбекларнинг табибларга бўлган муносабати билан боғлиқ хулосалардан Тарих институтида 2015–2017 йилларда бажарилган ФА-А1-ГО25ПВ-2014-0911000555 – "Ўзбеклар: этник тарих, маданият ва анъаналар" номли лойиҳада "Ўзбекларнинг табобат анъаналари" бўлимини ёзишда фойдаланилган (ЎзР ФАнинг 2018 йил 18 апрелдаги 3/1255-992-сонли маълумотномаси). Татбиқ этилган натижалар ўзбек халқининг табиблар ва табобат анъаналарига бўлган муносабати, табобатнинг ҳуқуқий мақоми, тиббиёт билан ўзаро интеграциясини этнографик аспектда ўрганишга ёрдам беради;

ўзбек халқ табобати тарихи, тараққиётига доир илмий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Dunyo bo`ylab" телеканали билан ҳамкорликда "Бир ашё тарихи" номли кўрсатувни тайёрлашда фойдаланилди ("Dunyo bo`ylab" телеканали ДУКнинг 2018 йил 12 мартдаги 08.14.134-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган ғоялар халқ табобати анъаналарининг тарихини илмий асосда ўрганиш ва уни кенг жамоатчиликка етказишда манбавий асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида ва "Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғулланувчилар Академияси"да муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та (9 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола, 4 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тезисларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ва таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг "**Ўзбекларнинг рационал билимлари мажмуида халқ табобати"** деб номланган биринчи бобида халқ табобати тарихи, тиббий билимлар билан боғлиқ қарашлар ва назариялар, табиблик касби ва фаолият турлари ҳақидаги маълумотлар акс этган.

Мазкур бобнинг *"Халқ табобати тарихи"* номли биринчи параграфида халқ табобати анъаналарининг шаклланиш босқичлари ва тиббий билимларни пайдо бўлиши таҳлил этилган.

Табобат – араб тилида "саломатликни асраш, даволаш ва дори-дармон билан боғлиқ амалиёт"ни ифодаловчи сўз бўлиб, *тибобат* шаклида қўлланилади. Сўзнинг ўзаги арабча *табба* – "даволаш" деган маънони англатиб, ундан *тиббун-тиб* – "даво", *тиббатун-тибобат* – "даволаш", "табиблик қилиш" сўзлари ясалган[18]. Дунё миқёсида халқ табобати анъаналарини тарғиб қилиш БМТнинг жаҳон соғлиқни сақлаш Ассамблеяси томонидан 1972 йилдан бошланди[19]. Халқ табобати анъаналарини этнологик тадқиқ этиш ҳам ўтган асрнинг иккинчи ярмидан ривожланган.

Халқ табобати анъаналарининг пайдо бўлиши тўғрисидаги қарашларни диний-мистик ва илмий-материалистик назарияга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи гуруҳ тарафдорлари табобатнинг пайдо бўлишини илк диний билимларнинг вужудга келиши билан боғлайди. Хусусан, шомонлар, коҳинлар, ибодатхона руҳонийларининг даволаш билан шуғуланишига урғу берилади[20].

Иккинчи гуруҳ вакилларининг қарашларига кўра халқ табобати инсонларнинг амалий фаолияти ва табиий зарурати натижасида пайдо бўлган. Табобат анъаналари инсон тафаккури ва жамият ривожи билан ҳамоҳанг тараққий этганлиги[21] ҳамда ибодатхона, черковлар ҳузурида тиббий муассасаларнинг вужудга келишига қадар ҳам табобат анъаналари халқнинг турмуш тарзида кенг қўлланилганига эътибор қаратишади. XVIII асрдан бошлаб замонавий тиббиёт ва табобат алоҳида ўрганила бошлади, мисол тарзда базеллик (Швейцария) шифокор Т. Цвингер (1658–1724)нинг ишларини

[18]Ҳамроев М. Тибби ётми? Табобатми? // Шарқ табобати. – 2009. – № 3. – Б. 19.
[19]Ўзбекистон садақага зор эмас // Шарқ табобати. – 2017. – № 2. – Б. 6.
[20]Соколов И., Степанов В. Народная медицина – наука и традиционное знание. – Спб.: Гидрометеоиздат, 2001. – С. 22.
[21]Епифанцева А., Епифанцев А. Народная медицина – культурный слой истории общества // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2011. – № 5. – С. 76.

келтириш мумкин[22]. XIX аср охири – XX аср бошларида немис шифокор олимларининг тадқиқотлари натижасида “халқ табобати” атамаси ва унга хос усуллар, воситалар тартибга солинди[23].

Халқ табобати тушунчаси “маълум халққа хос табобат” ёки “халқ фойдаланадиган тиббий илм” деган маънони англатади. Этнолог олим Ю. Бромлей табобат анъаналари ҳақида фикр юритиб, *халқ* атамасига эътибор қаратади ва бу тушунчанинг моҳиятини таҳлил қилади. Унинг фикрича, *халқ* сўзи икки хил – оддий меҳнаткаш оммага ва этник бирликка нисбатан қўлланилади[24]. Олим халқ табобатининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу анъана фақатгина этник бирликка (халқ) хослигини таъкидлайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, халқ табобати ва табиблик касби одамларнинг тараққиётга интилиши натижасида ривожланган. Халқ табобатининг тараққий этишида этник бирликнинг халқ сифатида шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Тарихда табобат илми умумжамоа мулки ҳисобланган бўлса, энди маълум халқнинг соғлиқни сақлашга доир анъаналари сифатида аҳамият касб этади. Унинг шаклланишига халқнинг барча вакиллари сабабчи ёки асос солувчилардир. Чунки, бемор ёки табиб ўз халқининг табобатига мурожаат қилади ва табобат атрофида изланиш олиб боради. Халқ табобати маълум этник гуруҳнинг халқ, миллат бўлиб шаклланиши жараёнида мунтазам янгиланиб, бошқа халқ ва миллат табобати анъаналари билан ўзаро аралашиб боради.

Биринчи бобнинг *“Ўзбек халқининг дунёқарашида табиб шахси ва табиблик турлари”* деб номланган иккинчи параграфида ўзбек халқи дунёқарашида табиб атамаси ва уларни таснифланиши тадқиқ этилган.

Табиб – арабча сўз бўлиб, “даво” шаклида ишлатилади. *Тиб*нинг ўзи “ислоҳ қилиш”, “тузатиш” маъносида ҳам келади. *Тиб қилди* деганда “ислоҳ қилди”, “тузатди” деган маъно тушунилган. *Тиб*нинг яна бир маъноси – “моҳирлик”, “ҳозиқлик”дир[25]. Ўзбеклар соҳа мутахассисларини умумий *табиб*, етук олимларни *ҳаким* деб номлашган[26].

Табиб этносга хос эмпирик билимларнинг саломатликка оид тажрибаларини яхши ўзлаштирган ва уларни авлодларга оғзаки ҳамда ёзма тарзида етказиши туфайли анъанага айлантирган шахсдир. Табиблар касбий фаолияти ва иш жараёнига қараб қуйидагича таснифланади:

Синиқчилар – шикастабанд, солувчи, уста[27] ҳам дейилади. Улар суякнинг синиши, дарз кетиши, чиқиши ва этнинг лат ейишини даволашган. Бунда улар беморнинг ёшига алоҳида эътибор қаратганлар. Одатда, синиқчилар бемор неча ёшда бўлса муолажадан сўнг лат еган тана қисмини шунча кун эҳтиёт қилишни уқтиришади. Синиқчилар ҳозирги кунга қадар фаолиятини сақлаб қолган, масалан, Тошкентлик моштабиблар сулоласини айтиш мумкин.

---

[22]Народная медицина / http://www.verumklinika.ru/народная медицина. 02.01.2018.
[23]Клочихин А. Народная медицина // Звезда. – М., 2015, 1 октября.
[24]Бромлей Ю., Воронов А. Народная медицина как предмет этнографических исследований ... – С. 4.
[25]Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Тиб ва дам. .... – Б. 6.
[26]Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Шодлик маҳалласи. 2015 йил.
[27]Ўролов А. Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 10; Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: Yangi nashr. – Б. 265.

Доялар (аёллар хасталигини даволовчилар). Қадимдан одамлар даволаш усуллари билан бирга фарзанд дунёга келтираётган аёлга ёрдам беришни ҳам билишган[28]. Ўзбекларда ҳам доялик тарихи узоқ даврга бориб тақалади ва улар *биби халфа*, *момо*, *қушноч момо* каби номланади. Ҳозирда туғруқ жараёни замонавий тиббиёт асосида амалга оширилсада, дояларнинг она ва боланинг соғлиғига оид тавсиялари аҳамиятга эга. Масалан, болани бешикка солиш, чўмилтириш маросими уларнинг иштирокида ўтказилади.

Жарроҳлар. Ўзбек халқ табобатида жарроҳлар хатна қилиш, тиш, қон олиш каби амалларни бажарганлар. Шунингдек, айрим ҳудудларга хос касаллик – *риштадан*[29] қутулиш учун ҳам жарроҳларга мурожоат қилишган. Ҳозирда қон олиш ва хатна қилишда жарроҳларнинг хизмати сақланиб қолган.

Доригарлар, атторлар. Табибларнинг бемор билан мунтазам бандлиги натижасида дори тайёрлаш, гиёҳ териш унинг ёрдамчилари томонидан бажарилганлиги махсус доригарларни юзага келтирди. Чекка жойдаги аҳолини гиёҳлар билан атторлар таъминлаб турган. Атторлар содда тиббий билимдан хабардор бўлиб, гиёҳ номи, қандай хасталикларга даво бўлишини билганлар. Ўлкада дорихоналар ташкил қилингач атторларнинг доригарлик вазифаси унутилган.

Кўз табиб (каҳҳоллар). XVI асрга оид қозилик ҳужжатларида самарқандлик кўз табибларининг муолажаси ҳақида маълумотлар қайд қилинган[30]. В. Кушелевский Фарғона водийсида *катаракта*ни[31] даволаган табиб ва унинг тиббий анжомлари ҳақида ёзиб қолдирган[32]. Тошкентда яшаган *афғон табиб* ҳам, асосан кўз касалликларини даволаш билан шуғулланган[33]. Чодакда яшаган табиба Суқсур Холмат қизининг кўзига оқ тушган кишиларни найқамиш орқали, жарроҳлик йўли билан тузатгани ҳақида ҳам маълумотлар учрайди[34]. Қолаверса, *тери-таносил* ва *ички касалликларни даволовчи* табиблар мавжуд. Каттақўрғонлик Б. Эргашев[35] узоқ йиллардан бери ички касалликларни мувафаққиятли даволаб келмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тарихнинг маълум даврида юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар табобат ривожига таъсир кўрсатган. Шарқ табобатида табибларнинг соҳаларга бўлиниши нисбий бўлиб, улар инсон танасини яхлитлигича даволайди. Бу халқ табобати бир ғоя остига жамланган мураккаб тармоқли билим эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг “**Ўзбекларнинг табобат ва табиблик билан боғлиқ анъаналари”** деб номланган иккинчи бобида табобатнинг минтақавий хусусиятлари, табибларнинг касбий маданияти, устоз-шогирдлик анъаналари ўрганилган.

---

[28]Қодиров А. Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши. – Тошкент: Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1990. – Б. 27.

[29]*Ришта* – одамлар ва ҳайвонлар териси остида яшайдиган юмалоқ гижжа қўзғатадиган касаллик / Тиббий қомусий луғат. Бош муҳаррир Тўрақулов Ё. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – Б. 188.

[30]Усмонов Ш. Илк шифо масканлари // Фан ва турмуш. – 1998. – № 6. – Б. 28.

[31]*Катаракта* – кўз гавҳарининг ҳиралашуви / Тиббий қомусий луғат ... – Б. 97.

[32]Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания ... – С. 262–264.

[33]Икром Мавлон. Олдингдан оққан сув // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1984 йил 13 июл.

[34]Баҳромзода Ў. Чодак (қишлоқ тарихидан лавҳалар). – Наманган: Наманган, 2000. – Б. 53.

[35]Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти Қаттақўрғон тумани Қозоқовул қишлоғи. 2015 йил.

Ушбу бобонинг *“Халқ табобати билан боғлиқ урф-одатларнинг минтақавий хусусиятлари”* деб номланган биринчи параграфида табобатнинг локал хусусиятларига таъсир қилувчи омиллар тадқиқ қилинган.

Табобат анъаналари дунё халқларида даволаш усули, ташхис шакллари ва дориворларни ишлатиш қоидалари билан фарқланади. Ўзбек халқ табобатининг минтақавий хусусиятларига ўлкада параллель ҳаёт кечирган ўтроқ деҳқонлар ва яримўтроқ чорвадор аҳолининг тажрибалари, тўрт фаслнинг ўзига хос иқлими, савдо алоқалари ҳамда табибларнинг изланишлари таъсир ўтказган.

Географик омил. Халқ табобатининг минтақавий хусусиятини географик муҳит нуқтаи назаридан тадқиқ этишда аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудни тоғ, тоғолди ва текислик минтақасига ажратиш мумкин. Бунда минтақавий фарқ кунлик истеъмол маҳсулотларида ва гиёҳ йиғиш, уларни дориворлик хусусиятига кўра сақлашда ҳамда табиий дориларнинг таннархида акс этади.

Аҳолининг яшаш тарзи ёки машғулот тури. Кишиларнинг меҳнат турига қараб ҳам табобат анъаналари минтақавий кўринишга эга бўлади. Масалан, чорвадорлар ва деҳқонлар ўрганилганда қуйидаги жиҳатлар бўйича минтақавий хусусиятлар кўзга ташланади. Табобат вакилларига нисбатан: чорвадорларда табобатнинг эмпирик, деҳқонларда мистик тури кўпроқ устуворлик қилган. Дориворлардан фойдаланиш бўйича: чорвадорларда содда дорилар, деҳқонларда мураккаб таркибли дорилар қўлланилади. Тиббий қуроллар турига кўра: чорвадорларда табиатда мавжуд воситалар, деҳқонларда қўлда ишланган махсус асбоблар асосий ўрин тутади.

Маҳаллий ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Кишилар кундалик турмушда ўзларини ўраб турган табиатнинг наботот оламидан доривор сифатни фойдаланишган. Натижада тана шу маҳсулотларга мослашади, яъни маҳаллий гиёҳларнинг ножўя таъсири камайган. Чорвадорлар ўзлари боқадиган ҳайвоннинг аъзоларидан фойдаланади. Масалан, араблар[36] туя, чувашлар[37] отнинг гўшти, сути, ахлатидан, ўзбеклар майда, йирик чорвадан фойдаланади.

Диний қарашлар. Халқ табобатига оид тозалик, поклик тушунчалари, бемор билан муомала қилиш одоби зардуштийлик ва ислом дини асосида пайдо бўлган. “Авеста”да сув, ҳаво, олов, тупроқни асраш таъкидланади[38]. Бу қараш халқ табобатида мизож таълимоти билан ҳамоҳанг келади. Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, соҳага халоллик, тозалик ва поклик тушунчалари кенгроқ тадбиқ этилди. Бу Шарқ табобатининг бошқа халқлардан фарқловчи омилдир. Ҳозирда ҳудуднинг жойлашуви, иқтисодий ҳолати, тиббиёт ва табобатнинг интеграцияси ҳам минтақавий хусусиятларни ўрганишда ўз ўрнига эга. Баъзан аҳолининг этник таркиби, турмуш даражаси, мигрантлар оқими, шаҳарлашиш, халқ табобатининг ҳуқуқий ҳолати ҳам аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, халқ табобатини минтақвий ўрганиш – халққа хос анъана ва удумларни тадқиқ этиш ҳамда фанга тўла маълум

---

[36]Каримова С. Исмоил ал-Бухорийнинг табобатга оид ҳадислари // Шарқшунослик. – 1999. – № 9. – Б. 15.

[37]Никонова Л. Традиционная медицина тюркских народов Поволжья и Приуралья как часть системы их жизнеобеспечения. – Рузаевка: Рузаевский печатник, 2000. – С. 78.

[38]Абдуллаев Ш., Хакимов Д. “Авесто” ва тиббиёт // “Шарқ ва Ғарб: зардуштийлик ва “Авесто”нинг ғарб дунёқарашига таъсири” номли халқаро илмий-назарий семинар материаллари. – Наманган, 2001. – Б. 21.

бўлмаган усулларни ўрганиш имконини беради. Халқ табобатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишилик тарихининг илк босқичига тақалиб, унга барча эришилган ютуқлар жорий қилинган. Масалан, табибнинг иш қуроллари ҳунармандчилик ривожини ўзида акс эттирса, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, нотўғри муолажа учун жавобгарликка тортилиши жамиятнинг ҳуқуқий саводхонлигини белгилашга хизмат қилади.

Иккинчи бобнинг кейинги параграфи *"Табиблик маданияти: шахсий ва касбий ахлоқ меъёрлари"* деб номланиб, унда табибларнинг шахсий ва касбий маданиятига доир меъёрлар этнографик маълумотлар асосида таҳлил этилган.

Мавжуд маълумотларга таяниб, табибда қуйидаги шахсий ҳамда касбий ахлоқ нормалари бўлиши кераклигини таъкидлаш жоиз:

Хушфеъллик, муомала маданияти. Табибнинг асосий қуроли – унинг ширин муомаласи ҳисобланади. Алишер Навоийнинг фикрича: "Табиб агар ўз касбига моҳир бўлса-ю, аммо бадфеъл, бепарво ва қўпол сўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам унинг мижозида ўзгариш пайдо қила олмайди"[39].

Касбий этикетга амал қилиш. Табибларнинг касб сирини иккига ажратиш мумкин. Биринчиси: табибларнинг ўзларига маълум бўлган даволаш ва дори тайёрлаш технологияси бўлиб, унда табиблар даво усулларини машаққат билан топганлари учун ютуқларини сир сақлайди. Шунингдек, устоз табиб табобат сирларини авлодига моддий фойда келтиришини хоҳлайди. Иккинчиси: бемор ва табиб мулоқоти асосида юзага келади. Яъни, беморнинг касаллигига оид маълумотни атрофдагилардан ёки баъзан хастадан сир сақлаш мажбуриятидир.

Гендер тенглик. Касбнинг миллий характерларидан бири – эркак табибни гендер тенгликка риоя қилишидир. Т. Арифбоевнинг фикрича, бу масалада ислом дини қарашлари асосий ўринда туради[40]. Шунингдек, жамиятда аёлларга бўлган муносабат ва улар билан муомала қилувчи эркак табибларнинг ахлоқий қарашларига оид меъёрий талаблар бор: табиб аёлларга *бемор* сифатида, *табиб* кўзи билан қараши лозим. Табибликнинг ўзига хос томони халқнинг расм-русумлари, менталитети, беморнинг оилавий аҳволини ҳам билиши зарур.

Муолажа учун ҳақ белгилаш. Табиб иш ҳақини белгилашда касаллик тури, даволаш муддати, сарфлаган меҳнати ва беморнинг моддий аҳволини ҳисобга олади. Чекка ҳудудларда ҳали ҳам табибларнинг натурал ҳақ олиши мавжуд. Бу мева, буғдой маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари билан белгиланади. Нисбатан арзон дорилар, осон топиладиган гиёҳлар – жамиятда табибларга бўлган талабни сақланишига сабаб бўлмоқда.

Шогирд тарбиялаш. Табиблик отадан ўғилга ўтадиган касблардан бири. Баъзан ота касбни давом эттирувчи бўлмаса, четдан шогирд олинган. Шогирд устознинг барча ютуқ ва билимларининг вориси бўлиб, унинг қандай табиб бўлиши ва халқнинг муносабати аввало устозга қаратилган. Табиб ўзи яратган мактабнинг завол топмаслиги учун истеъдодли шогирд етиштирган. Устоз шогирди камолга етгач, табибларни чақириб имтиҳон қилган, сўнг мустақил фаолият бошлашига фотиҳа берган.

---

[39]Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 1983. – Б. 25.
[40]Дала ёзувлари. Наманган вилояти Наманган шаҳри Мингчинор маҳалласи. 2016 йил.

Касб тарихини билиш. Ҳар бир фан ўз тарихи ва меросига эга. Нафақат табобат илмида, балки, бошқа касб эгалари ҳам ўз касби тарихини билишга қизиққан. Табиб касалликни даволаш, янги дориларни синаш ёки номаълум хасталикка чора излаганда касб тарихига мурожаат қилади. Касб тарихини билиш – унинг ожиз ва ютуқ томонларини англаш имконини беради.

Устоз васиятларини бажариш. Аксарият табиблар касбни давом эттиришга кўзи етган, билимли шогирдига васият қолдирган. Васиятдан кўзланган мақсад – устоз ўзи яратган мактабни йўқолиб кетмаслиги ва ўз шогирдлари келажагини тажрибали ёрдамчиларидан бирига юклашдир. Табиб А. Баннаев: "Баъзан устозлар васият қолдирмайди ёки бунга уларнинг имкони бўлмайди, лекин шогирд устоздан сўнг унинг анъана ва усулларини онгли равишда васият ўрнида қабул қилиб, давом эттириши мумкин" – дейди[41].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, табибларнинг касбий маданиятига оид қоидаларни яратиш ва уни назорат қилиш халқнинг дунёқараши, ҳакимларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда давлат қонунлари асосида амалга оширилади. Ўзбек халқ табобатида табибнинг одоб-ахлоқи, шахсий ва касбий маданияти жамоат назорати орқали тартибга солинади. Табибнинг мавқеини халқ қадриятлари, диний қарашлари, анъана ва урф-одатларини билиши ҳам белгилайди.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи *"Халқ табобатида устоз-шогирдлик: анъаналар ва трансформацион жараёнлар"* деб номланиб, унда устозлик мақоми, бўлажак шогирдликка қўйилган талаблар, шогирднинг мустақил иш бошлашида бажариладиган маросимларнинг анъанавий ва замонавий кўринишлари берилган.

Халқ табобатида табибликни танлаш омиллари қуйидагича: табиблик ота касби бўлган шасхлар; ўзи ёки яқин қариндошининг касаллигига даво истаб табиб бўлган кишилар; замонавий тиббиёт олийгоҳини тугатиб табиблик қилиш; ўзидаги даволаш хислати ёрдамида табиблик қилиш; устозга шогирд тушиб ўрганиш. Устоз-шогирдликнинг анъанавий кўринишлари қуйидагича: шогирднинг устоз танлаш мезонлари, устознинг шогирдларни саралаб олиш шарти, устоз зиммасидаги вазифалар, шогирдлик муддати ва мустақил фаолиятга рухсат берилиши.

Шогирд ҳам қатор шартларни бажариши зарур: шогирднинг сабрлилиги, зеҳнининг ўткирлиги, озодалиги, одоби ҳам инобатга олинади. Табиб ўз шогирдини йиллар давомида тарбиялар экан, босқичма-босқич табобат илмини ўргатади. Жумладан, дориворларни тўплаш, ташхис қўйиш, содда ва мураккаб дориларни тайёрлаш, касалликни даволаш. Сўнгги йилларда устоз–шогирдлик янги талаблар, шартлар натижасида замонавийлашмоқда. Масалан, бўлажак шогирднинг тиббий маълумотга (олий, ўрта-махсус) эга бўлиши, тизимда гендер тенглик ва этник жиҳатлар каби янгича ҳолатлар кўзга ташланмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, устоз-шогирдлик муносабатлари халқ табобати ва табиблар фаолиятининг давомийлигини таъминлайди. Бу анъаналар айрим ўзгаришларга учрасада, бугунга қадар сақланиб қолганлиги халқ

[41]Дала ёзувлари. Наманган вилояти Наманган шаҳри Исфархон маҳалласи. 2016 йил.

табобатининг кишилар ҳаётида тутган ўрни ва жамиятда табиблар фаолиятини бахолаш имконини беради.

